

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АБДУРАХИМОВА АЗИЗА УРАЗАЛИЕВНА

**ҚАТТИҚ ЖИСМ-ҚАТТИҚ ЖИСМ АРАЛАШМАЛАРИНИ УЧ
ФАЗАЛИ МАВҲУМ ҚАЙНАШ ҚАТЛАМДА АЖРАТИШ УЧУН
САМАРАЛИ ҚУРИЛМА ЯРАТИШ**

**02.00.16 – Кимё технологияси ва озиқ-овқат
ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдурахимова Азиза Уразалиевна

Қаттиқ жисм-қаттиқ жисм аралашмаларини уч фазали мавҳум қайнаш қатламда ажратиш учун самарали курилма яратиш..... 3

Абдурахимова Азиза Уразалиевна

Разработка эффективного аппарата для разделения смеси твердое тело-твердое тело в трехфазном псевдооживленном слое..... 19

Abdurakhimova Aziza Urazalievna

Separation of a solid-solid mixture in a three-phase fluidized bed and development of efficient apparatus..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 38

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АБДУРАХИМОВА АЗИЗА УРАЗАЛИЕВНА

**ҚАТТИҚ ЖИСМ-ҚАТТИҚ ЖИСМ АРАЛАШМАЛАРИНИ УЧ
ФАЗАЛИ МАВҲУМ ҚАЙНАШ ҚАТЛАМДА АЖРАТИШ УЧУН
САМАРАЛИ ҚУРИЛМА ЯРАТИШ**

**02.00.16 – Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва
аппаратлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/T256 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.tkti.uz ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида www.ziyo.net жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нурмухамедов Хабибулла Сағдуллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Баракаев Нусрат Раджабович
техника фанлари доктори, доцент

Рахмонов Тоир Зоирович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

«Ўзбеккимёмаш заводи» АЖ

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.04.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш «___»_____2018 йил соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz. Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч., 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

С.М. Туробжонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси т.ф.д., профессор

А.С. Ибодуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби т.ф.д., профессор

Қ.О. Додаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳон миқёсида сабзавотларни етиштирилиши ўтган ўн йилларга нисбатан икки баробар ўсиб кетти ва 1150 млн. тоннани ташкил этади, уларнинг катта қисми илдиз ва туганак меваларга тўғри келади. Бу соҳада Хитой (580,7 млн.т), Ҳиндистон (121,0 млн. т), АҚШ (34,3 млн. т), Туркия (28,3 млн.т.), Эрон (23,7 млн.т), Миср (19,6 млн.т) каби мамлакатлар етакчилик қилади¹. Ушбу омил қайта ишланадиган маҳсулотлар сифатини тегишли истеъмол меъёрларига мос даражагача ошириш учун илмий тадқиқотлар мева ва сабзавотларни қайта ишлаш технологияларни такомиллаштириш ва янги самарадор жараён ва қурилмаларни яратишга йўналтирилган.

Бугунги кунда жаҳонда мунтазам илдиз ва туганак меваларни қайта ишлаб озиқ-овқат қуқунини олиш, маҳаллий хомашёдан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, шунингдек чиқитларни камайтириш, илдиз ва туганак меваларни тозалаш ва ювиш жараён ва қурилмаларни жадаллаштиришда иссиқлик элткични ҳайдаш учун энергияни сарфини пасайтириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Илдиз ва туганак меваларни қайта ишлаш бўйича тадқиқотларни амалга оширишда битта қурилмада бир нечта жараённи минимал энергетик сарф билан олиб бориш, ноанъанавий юқори самарали хом-ашёни қайта ишлаш учун мобил технологияларни яратиш, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги ошириш, ҳаражат ва таннархини камайтириш ҳамда хом-ашё ва маҳсулотлардан самарали фойдаланиш йўналишида илмий ишлар олиб борилмоқда.

Республикамизда асосий эътибор озиқ-овқат саноатининг етакчи тармоқлари, хусусан маҳаллий хомашёни кам чиқитли, шу жумладан илдиз ва туганак меваларни тўлиқ қайта ишлаш ва озиқ-овқат қуқунини олиш учун юқори самарадорликка эга бўлган жараён ва қурилмалардан иборат янги кичик мобил технологиялар ва жиҳозларни яратишда муайян натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, «саноатни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш»² вазифалари белгилаб берилган. Бу борада янги, замон талабларига жавоб берувчи, илдиз ва туганак меваларни қайта ишлаш технологиясида тежамкор жараён ва қурилмаларни яратишни тадқиқотига меваларни тўлиқ қайта ишлаш ва ярим тайёр маҳсулотларни олиш қаратилган илмий изланишлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 12 апрелдаги ПҚ-2520-сон «Мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка ва полиз экинларини сотиб олиш ва фойдаланиш тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 251-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини 2015-2020 йил

¹ <http://xn--80aplem.xn--p1ai/en/analytics/Mirovoj-rynok-ovosej-i-bahcevyh-kultur/>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ларда сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича тадбирлар коцепцияси ва комплексини тасдиқлаш тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2015 йил 4 мартдаги УП-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий қайта ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш бўйича тадбирлар дастури ҳақида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Уч ва икки фазали мавҳум қайнаш системали қурилмаларнинг математик ва физик моделлаш бўйича В.Г. Айнштейн, Н.И. Гельперин, А.А. Заминян, М.К. Захаров, В.Б. Кваша, И.П. Мухленов, О.С. Балабеков, А.С. Тимонин, В.М. Рамм, С.П. Рудобашта, И.П. Левш, Ҳ.С. Нурмухамедов, С.К. Ниғмаджонов, А.А. Артиқов, И.И. Юнусов ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижасида уч ва икки фазали системаларда мавҳум қайнаш қатламнинг гидродинамикаси, иссиқлик- ва массаалмашилишга асосланган усул ва қурилмалари ишлаб чиқилган. Майда заррачаларни суюқликда пастдан газ билан мавҳум қайнаш, газ ва суюқ фазаларни қарама-қарши ҳаракатида насадканинг йирик енгил элементларини турбулент мавҳум қайнаш, шунингдек суюқ фазани пастдан тақсимлаш панжарадан узатиш чуқур ўрганилган. Хусусан, илдиз ва туганак меваларни тозалаш ва ювиш жараёнларини жадаллаштириш ҳамда юқори самарадор қурилмаларни ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

Шу билан бирга илдиз ва туганак меваларни қайта ишлашда юқори самарали технологиларни яратиш бўйича тозалаш, «мева-пўст» аралашмасини ажратиш ва илдиз ва туганак меваларни ювиш учун жадаллаштирилган усуллар ва самарали аппаратлари, уларнинг технологик, амалий, экологик ва иқтисодий жиҳатларини ўрганиш ҳамда кейинчалик хомашёни кам йўқотилиши ва кам энергетик харажатлар билан озиқ-овқат кукунларини олиш борасидаги тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий тадқиқот режасининг №24/03-сон «Полиз экинлари маҳсулотларини уруғидан ва меваларни уруғи, данагидан тозалаш учун ускуналар ишлаб чиқиши» ва №4/16-сон «Озиқ-овқат кукунлари ва толалари олиш учун илдиз меваларни қайта ишлашни юқори самарали, чиқитсиз технологиясини ишлаб чиқиш» (2011-2017йй.) мавзуларидаги хўжалик шартномалари, шунингдек «Озиқ-овқат пюрелари ва кукунларини олиш мақсадида кам қувват сарфлаб илдиз

меваларни қайта ишлашнинг чиқиндисиз ва ноанъанавий технологияларини ишлаб чиқиш» лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади уч фазали мавҳум қайнаш қатламда «қаттиқ жисм-қаттиқ жисм» ҳар ҳил жинсли аралашмани ажратиш усули ва қурилмасини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

самарали ва нисбатад паст гидравлик қаршиликка эга бўлган тақсимловчи панжара конструкциясини яратиш;

босимни бир зумда тушуриш усулида тозаланган ва ҳосил бўлган мева ва пўстнинг физик-механик ҳоссаларини аниқлаш;

уч фазали мавҳум қайнаш қатламда критик тезликларини ва қатлам мавжуд бўлиш чегараларини аниқлаш;

«мева-пўст» аралашмасини бир вақтнинг ўзида ажратиш, ювиш ва майда заррачаларни чўктириш технологик жараёни ва қурилмасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти турли ҳил илдиз ва туганак «мева-пўст» турли жинсли аралашмалари.

Тадқиқотнинг предмети қаттиқ турли жинсли аралашмани ажратиш ва мевани ювиш учун уч фазали мавҳум қайнаш қатлам қурилма конструкцияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида суюқ ва газ сарфи, материал массаси, температураси, чизиқли ўлчамлари ва гранулометриқ таркибини ўлчаш стандарт умумқабул қилинган ўлчаш усуллари ёрдамида ўтказилди ва тадқиқот натижаларни қайта ишлаш ва умумлаштиришда суюқлик ва газлар гидродинамикасининг асосий қонун ва формулалардан фойдаланиб, график шарҳлари MS Word, MS Excel дастурлари пакетидан, шунингдек Matlab ва Mathcad операцион математик муҳитда бажарилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш технологиясида «мева-пўст» аралашмасини ажратиш ва мевани ювиш учун «эрлифт» эффектга эга уч фазали мавҳум қатлами аниқланган;

уч фазали мавҳум қайнаш қатламда мавҳум қайнаш бошланиш $w_{пс}$ ва учиб чиқиш $w_{ун}$ тезликларини ҳисоблаш учун умумлаштирувчи юқори аниқликка эга формулалар яратилган;

босимни бир зумда пасайтириш усулида тозаланган мева ва чексиз юпқа кўринишдаги пўстнинг физик-механик ҳоссалари аниқланиб, бир вақтда уч фазали мавҳум қайнаш қатламда ажратиш, ювиш ва чўктириш жараёнининг физик модели ишлаб чиқилган;

оқим ўтишининг осцилланган режимни ҳосил қилувчи секцияланган тақсимловчи панжаранинг конструкцияси ишлаб чиқилган;

«мева-пўст» аралашмасини уч фазали мавҳум қайнаш қатламда ажратиш жараёни учун усул ва қурилма яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

уч фазали мавҳум қайнаш қатламда мавҳум қайнаш бошланиш $w_{пс}$ ва учиб чиқиш $w_{ун}$ тезликлари пўстнинг эквивалент диаметрига $d_э$ ва газ ва суюқ фазалар нисбатига $\Gamma:Ж=0,15:1-0,25:1$ боғлиқлиги аниқланган;

пўстнинг шакл фактори Φ , эквивалент диаметри d_3 , мевадан пўстни ажратиш кучи F , ишланаётган объектнинг ички ишқаланиш бурчаги χ , ҳамда иккала фаза бўйича қурилманинг ўтказиш даражаси кўрсатилган;

тўғри олти бурчак марказида эллипссимон катта кўндаланг кесимли тешик, чўққилари бўйича – кичик эллипссимон тешиклар жойлашган n -та секциядан иборат бўлган ва $F_6/F_M=0,4-1,33$ нисбатни таъминлайдиган тақсимловчи панжара конструкцияси ишлаб чиқилган;

«қаттиқ жисм-қаттиқ жисм» аралашмасини ажратиш учун уч фазали мавҳум қайнаш қатламли аппаратларни ҳисоблаш учун илмий асосланган муҳандислик услуги ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги адекват физик модели ва ҳисоблаш алгоритмлари мавжудлиги, ярим саноат аппаратидаги синовларда олинган экспериментал натижаларни назарий натижаларга мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти шундан иборатки, «мева-пўст» турли жинсли аралашмани уч фазали мавҳум қайнаш қатлам усулда ва газсуюқ оқимининг осцилланган тезликни ҳосил қилувчи секциялардан иборат панжарали қурилмада ажратиш учун энергетик самарадор усулини қўллаш ва бир вақтда ўтадиган гидромеханик жараёнларни (ажратиш, ювиш ва чўктириш) очиқ берадиган физик моделини асослаш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, физик-механик ҳоссалари кескин ажралиб турувчи турли жинсли аралашмани ажратиш учун уч фазали мавҳум қайнаш қатлам қурилмаси ишлаб чиқилиб, технологик жараён ва қурилмаларнинг сонини, металл сарфини, энергетик ва моддий ҳаражатларни камайтиришга, ва ишлаб чиқаришдаги эгаллаган жойини қисқартиришга имкон бериши билан белгиланди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: «Қаттиқ жисм-қаттиқ жисм» турли жинсли аралашмани уч фазали мавҳум қайнаш қатламда ажратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Асептик усулда консерваланган сабзаёт пюрелари»га техник шартлари «Ўзстандарт» Агентлиги томонидан тасдиқланган (Ts 20155874-01:2016 2016 йил 21 декабрдаги 112/005974-сон билан Давлат рўйхатиغا киритилган). Натижада илдиз мевалардан саноат миқёсида кимёвий таркибини максимал даражада сақлаб қолган ҳолда пюре олиш имконини берган;

«қаттиқ жисм-қаттиқ жисм» аралашмани уч фазали мавҳум қайнаш қатламда ажратиш учун мўлжалланган аппарат «Ўзбеккимёмаш заводи» АЖда жорий қилинган («Ўзбеккимёмаш заводи» АЖнинг 2018 йил 9 январдаги №08/12-023-сон маълумотномаси). Натижада ажратиш, ювиш ва чўктириш жараёнларини битта аппаратда олиб бориш имконини берган;

ярратилган гидроклассификатор асосида асептик усулида консерваланган сабзаёт пюреларини олиш технологияси «Xiva-Oazis» МЧЖда жорий қилинган («Ўзбеккимёмаш заводи» АЖнинг 2018 йил 9 январдаги №08/12-023-сон маълумотномаси). Натижада технологик жараён иқтисодий самарадорлигини 25%га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 халқаро ва 3 республика илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан 3 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қаттиқ жисм-қаттиқ жисм»** аралашмасини ажратиш олиш муаммоларини бугунги ҳолатини таҳлил қилиш» деб номланган биринчи бобида қаттиқ системаларни уч фазали мавҳум қайнашқатламда (УФМҚҚ) ажратиш ва жараённинг гидродинамикаси, ҳамда гидроклассификациялаш жараёнини амалга оширувчи жараён ва қурилмаларнинг бугунги аҳволи ва ривожланиш истиқболлари кўриб чиқилган. Муаммонинг таҳлили шуни кўрсатики озиқ-овқат маҳсулотларни, шу жумладан, илдиз ва туганак меваларни мавжуд бўлган барча қайта ишлаш технологиялар юқори сув сарфга ва қимматбаҳо хомашёнинг катта йўқотилиши муаммоси мавжудлигини кўрсатди. Самарали усуллардан фойдаланилиши сув сарфини ва энергияни тежашга олиб келади. Бундан ташқари, адабиёт таҳлили «мева-пўст» аралашмасини ажратиш учун уч фазали мавҳум қайнаш усули қўлланилмаганлиги ва саноат қурилмаларининг методик ҳисоблари йўқлигини кўрсатди. Бу эса саноат миқёсида юқори сифатга эга маҳсулотлар олиш технологиясини яратиш имкони йўқлигидан далолатдир. УФМҚҚ технологик потенциали озиқ-овқат саноатида қўлланиши тўлиқ ўрганилмаган. Патент, қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаш соҳасида илмий ва амалий миллий ва халқаро тадқиқотлар масаланинг ҳозирги ҳолати таҳлили асосида тадқиқот мақсади ва вазифалари белгилаб олинди. Бобнинг охирида хулосалар келтирилган.

Диссертациянинг «**Экспериментал мослама, тажриба ўтказиш методикаси ва маълумотларни қайта ишлаш»** деб номланган иккинчи бобида илдиз ва туганак меваларни қайта ишлаш самарали технология

яратишда УФМҚҚ фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги илмий-назарий жиҳатдан асосланган; қайта ишланаётган объектларнинг «мева-пўст» аралашмасини ажратиш учун мўлжалланган экспериментал мосламанинг изоҳи келтирилган. Яратилган мослама экспериментал тадқиқотларни режим параметрларини кенг ўзгариш диапазонида ўтказиш имконини беради: эквивалент диаметр $d_э$, сув ва ҳаво сарфлари $V_в$ и $V_{возд}$, сув ва ҳаво тезликлари $w_в$ и $w_{возд}$, шакл фактори Φ ва газ ва суюқлик нисбати $\Gamma:Ж$. Турли ҳил илдизва туганак мевалар «мева-пўст» аралашмасини ажратиш учун тажриба ўтказиш учун услуги, ҳамда ажратишда қайта ишлаш объектининг физик-механик ҳоссалари ва жараённинг гидравлик йўқотишларни ҳисобга олувчи «мева-пўст» аралашмасини ажратишда маълумотларни қайта ишлаш методикаси ишлаб чиқилган.

Босимни бир зумда тушуриш усули (ББЗТУ)да тозаланган мева юзасидан қайта ёпишган пўстни ажратиш учун сарфланадиган куч F қийматининг таҳлили турли ҳилдаги илдиз ва туганак мевалар учун ушбу сон $F=0,3-3$ Н оралиғидалигини кўрсатди.

Катта эллипсимон тешиқларнинг кўндаланг кесими кичик эллипсимон тешиқлар кўндаланг кесимига нисбати $F_б/F_м=0,4-1,33$ бўлиб ясси осцилланган ҳаракатли оқим ҳосил қилиши аниқланди. Юкни қурилмадан чиқариш жараёнини автоматик тарзда олиб бориш учун қайта ишлаш объектларнинг ички ишқаланиш бурчаклари $\chi=5-25^\circ$ диапазонда эканлиги аниқланди.

Экспериментал тадқиқотлар қуйидаги ўлчам диапазонида олиб борилган: илдиз ва туганак меваларнинг юпқа пластина кўринишга эга бўлган пўстининг геометрик ўлчамлари 2,3x3 дан 50x50 мм ва қалинлиги $\delta=0,1-0,25$ мм.

Қаттиқ турли жинсли система қатламининг гидравлик қаршилигини ўлчаш учун сув тақсимловчи камерада жойлашган панжаранинг паст ва устидан корпусда ММН-240 микрометрни улаш учун махсус патрубклар жойлашган. Сув тезлиги $w_в=0,001-0,05$ м/с оралиғида, ҳавоник эса $w_{возд}=0,004-0,095$ м/с ўзгартирилган. Бу эса «мева-пўст» аралашмасини ажралиш даражасини оширишга, ҳамда сув ва уни элтиш учун энергияни тежашга олиб келади.


Диссертациянинг «**Қаттиқ турли жинсли системани уч фазали мавҳум қайнаш қатламда ажратиш**» деб номланган учинчи бобида «мева-пўст» аралашмасини ажратиш жараёнини ўрганиш ва жадаллаштириш бўйича ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижалари келтирилган. Илдиз ва туганак меваларни ББЗТУ тозалашда босимни тушургандан сўнг юпқа пленка кўринишида узиб олинган пўст тозаланган мева юзасига адгезион кучлар таъсирида қайта ёпишади ва йиғичга автоматик тарзда «мева-пўст» аралашмаси кеб тушади. Мева ва пўст орасидаги адгезион куч нисбатан катта бўлиб экспериментал тарзда аниқланишини талаб этади.

1-расмда турли илдиз ва туганак мевалар учун мева юзасидан қайта ёпишган пўстни катталигига нисбатан аниқланган ажратиш кучнинг F экспериментал натижалари келтирилган. Қаттиқ юзага парчалар ёпишиш даражасини ажратиш кучи билан аниқлаш мумкин.

Тадқиқотлар таҳлили функционал $F=f(d_э)$ кўринишга эга бўлиб ажратиш кучи пўстнинг катталигига ижобий таъсир этишини кўрсатади. Графикдан кўришиб турибтики, мева юзасига қайта ёпишган пўстни ажратишда энг катта куч топинамбур мевасига, энг кичик куч эса сабзига тўғри келади. Топинамбурдан қайта ёпишган пўстни ювиб ажратиш олиш учун пўстнинг ёпишган юзаси таъсири мисолида сарфланган куч кўрилади.

Демак, уч фазали мавҳум қайнаш қатламда ўлчами 2,5x4,5 мм бўлган пўстни ажратиш учун $F=0,32Н$, ўлчамлари 20x25 мм бўлган бўлакчаларга эса $F=1,52Н$ куч миқдори, пўст ўлчами 50x50 мм бўлганида эса ажратиш куч қиймати $F=2,59Н$ га мувофиқдир.

Мева юзасига адгезия куч таъсирида қайта ёпишган пўстни ажратиш учун газ-суюқлик оқимни осцилланган тезликда оқиб ўтиш мақсадида тақсимловчи панжара конструкцияси яратилди. Ушбу панжара тўғри олти бурчак марказида эллипсимон катта кўндаланг кесимли тешик, чўққилари бўйича – кичик эллипсимон тешиклар жойлашган секциялардандан иборатдир. Ясси оқим ҳосил бўлиши учун эллипс шаклидаги тешиклар танланган бўлиб босим градиентни ҳам ҳосил қилади.



Тешикларнинг ушбу схемада жойланиши ўзгарувчан тезликни ҳосил этишга имкон беради. Шу боис газ-суюқлик оқимнинг осцилланган ҳаракати вужудга келади ва пўстни тутиб учиб чиқишига олиб келади. Кўндаланг кесими, яъни тешиклар юзасининг улуши турли ϕ ва хар ҳил бурчакларда γ жойлашган секцияли тақсимловчи панжаранинг гидравлик қаршилигига тезлик таъсири аниқланди. Оқим тезлигини $w=8$ м/с гача оширганда секцияли панжаранинг гидравлик қаршилиги 7 баробардан ошишига олиб келади.


Тешиклар юзасининг улуши турли қийматга эга ϕ ва хар ҳил бурчакларда γ жойлашган «курук» секцияли тақсимловчи панжаранинг гидравлик

қаршилиги бўйича олинган экспериментал маълумотларни умумлаштирилган ҳолда қуйидаги кўринишдаги формула (1) келтириб чиқарилди:

$$\Delta P_{\text{сух}} = 9,53 \cdot 10^{-4} \cdot \frac{\rho w^2}{2} \cdot \varphi^{-0,46} \cdot \gamma^{0,2} \quad (1)$$

(1) формула қуйидаги қатор режимли параметрлари диапазониға тўғри келади: ҳаво тезлиги $w=0,1-25$ м/с, тешиқлар юзасининг улуши $\varphi=0,2-0,7$ ва панжаранинг жойлашиш бурчаги $\gamma=0-25^\circ$. Г:Ж ва Г:Ж:Т системаларда қатламни мавҳумлаштиришнинг асосий кўрсаткичи гидравлик қаршиликдир. Икки ва уч фазали мавҳум қайнаш қатламларнинг умумий гидравлик қаршилиги маълум формула ёрдамида аниқланади $\Delta P = \Delta P_{\text{сух}} + \Delta P_{\text{сл}} + \Delta P_{\text{ж.ст}} + \Delta P_{\sigma}$.

Турли ҳил илдиз ва туганак мевалар учун қайта ишлаш объектларнинг қатлам баландлиги гидравлик қаршиликка $\Delta P_{\text{сл}}$ бўлган таъсири аниқланди. Экспериментал натижаларға кўра қатламнинг гидравлик қаршилиги $\Delta P_{\text{сл}}$ топинамбур туганаги учун $\Delta P_{\text{сл}}=162$ Па, сабзига $\Delta P_{\text{сл}}=185$ Па, қизил ловлагига $\Delta P_{\text{сл}}=250$ Па, картошка $\Delta P_{\text{сл}}=275$ Па, ва, ниҳоят, қанд лавлагига $\Delta P_{\text{сл}}=440$ Па тенглиги аниқланди. Қатлам баландлиги H ўсиши билан гидравлик қаршиликнинг қиймати тобора ўсиб бориши аниқланди, яъни 40 мм дан 100 мм гача ўзгарган қатлам баландлиги учун $\Delta P_{\text{сл}}$ 160 дан 440 Па гача ўсиши кузатилди. Бунда қатлам ғоваклиги ε қайта ишланаётган объект туриға кўра $\varepsilon=0,37 - 0,45$ ораллиғида аниқланди.



2-расм. Пўст бўлакчаларининг гранулометриқ таркибини иффодалувчи эгри чизик


Панжара тешиқларининг эквивалент диаметри d_s сувнинг температураси $t=10-30^\circ\text{C}$ сирт таранглик коэффициенти туфайли ҳосил бўлган гидравлик қаршиликка бўлган таъсири ΔP_{σ} экспериментал маълумотлар олинган бўлиб, унга кўра панжара тешиги 3 мм дан 10,55 мм гача ошса гидравлик қаршилик

3,5 мартага камаяди, бунда сув температураси деярли ўз таъсирини кўрсатмайди.

Босимни бир зумда тушириш усулида илдиз ва туганак меваларни тозалаш натижасида ҳосил бўлган мева ва пўст аралашмасини ажратиш учун қўлланган уч фазали мавҳум қайнаш қатлами (УФМҚҚ) экспериментал маълумотлар ўта фойдали натижалар олишга берди. Изланишлар шуни кўрсатдики, зичликлари кескин фарқ қилувчи компонентлардан иборат бўлган турли жинсли аралашмани ажратиш учун нисбатан сув ва ҳавонинг кам сарфи ва паст тезлиги етарлилиги аниқланди.

«Мева-пўст» турли жинсли аралашмани ажратиш учун УФМҚҚ қўллаш икки фазалига нисбатан самарали, яъни эквивалент диаметр боғлиқлигига кўра 13-78% гача юқори эканлиги аниқланди. Мавҳум қайнашнинг бошланиш тезлиги икки ва уч фазали системалар учун олинган маълумотларини таққослаш натижасида $Re_{1,3-2,0}$ мартагача пасайиши аниқланди. Ушбу ҳолат газ оқимнинг нотўғри шакли жисмга бўлган самарали таъсири билан изоҳланади. 2-расмда БЗПУ ҳосил бўлган пўстнинг фракциявий таркиби гранулометрик кўринишда келтирилган.

Топинамбур туганаги (картошка, сабзи, қизил ва қанд ловлагилари) босимни бир зумда тушириш усулида тозалаш натижасида ҳосил бўлган «қаттиқ жисм-қаттиқ жисм» турли жинсли аралашмадан эквивалент диаметр $d_3=1-8$ мм ва оқим тезлиги $w=1-300$ мм/с оралиғида ўзгартириш, ҳамда газ ва суюқ фазалар нисбати $\Gamma:Ж=(0,05-0,25):1$ ҳолатида пўстнинг учиб чиқиш жараёнини ўрганиш учун экспериментал тажрибалар ўтказилди.



× - Тодес формуласи бўйича; ◇ – элаксимон думалоқ тешикли, 2 фазали мавҳумлаш; Δ - секцияли, 2 фазали мавҳумлаш; ○ – секцияли, 3 фазали мавҳумлаш.

3-расм. Турли ҳил панжараларда нотўғри шакли жисмларнинг учиб чиқиш тезлиги Re_{yn} Архимед сонига Ar боғлиқлиги

Маълумки, мавҳум қайнаш қатламдан қаттиқ жисмларни учиб чиқиш тезлигини ҳисоблаш учун О.М. Тодес тенгламасидан фойдаланиш мумкин. Турли ҳил тақсимловчи панжараларда икки ва уч фазали

системаларга Архимед критерийсини Ar Рейнолдс критерийсига Re функционал кўринишдаги боғлиқлиги $Ar=f(Re)$ 3-расмда кўрсатилган. «Мева-пўст» турли жинсли системаларни ажратиш учун қўлланилган уч фазали мавҳум қайнаш қатлам икки фазали система билан таққослаганда секцияли панжарани қўллагада жараённинг самарадорлигини 17-32% гача, думалок тешикли панжарани қўллаганда эса 43-55% гача ошганлиги испотланди. Кўп ҳолатларда, учиб чиқиш тезлиги мавҳум қайнаш қатламда ноўрин ва салбий ҳодиса эканлиги кузатилади. Лекин, бизнинг ҳолатда эса, бутунлай акси бўлиб «мева-пўст» турли жинсли аралашмани ажратиш учун ижобий таъсир кўрсатиш билан биргаликда компонентларни 100% ажралишига кўмаклашади.

«Мева-пўст» аралашмасини УФМҚҚда мавҳум қайнашнинг бошланиш тезлигини аниқлаш учун экспериментал маълумотларни умумлаштирилган ҳолда Re_{nc} қуйидаги формула (2) келтириб чиқарилди

$$Re_{nc} = \frac{Ar}{4300 + 10,6\sqrt{Ar}} \quad (2)$$

Уч фазали мавҳум қайнаш қатламда нотўғри шаклга эга бўлган меваларнинг пўст бўлакчаларини Re_{nc} аниқлаш формуланинг (2) хатолиги $\pm 15\%$ дан ошмайди.

«Мева-пўст» аралашмасини УФМҚҚда учиб чиқиш тезлигини аниқлаш учун экспериментал маълумотларни умумлаштирилган ҳолда Re_{yn} қуйидаги формула (3) келтириб чиқарилди:

$$Re_{yn} = \frac{Ar}{18 + 1,177 \cdot \sqrt{Ar}} \quad (3)$$

Уч фазали мавҳум қайнаш қатламда нотўғри шаклга эга бўлган меваларнинг пўст бўлакчаларини учиб чиқиш тезлиги Re_{yn} аниқлаш формуланинг (3) хатолиги $\pm 5\%$ дан ошмайди. Мавҳум қайнаш қатламда бўлакчалар диаметри ошган сари Re сони чегараси қисман торраяди, аммо шу билан бирга етарли даражада кенг қийматга эга бўлиб бир ва ундан юқори поғонани қамраб олади (4-расм).

Уч фазали мавҳум қайнаш қатламнинг бир қатор афзалликлари мавжуд:

биринчидан, «қаттиқ жисм-қаттиқ жисм» турли жинсли аралашмани ажратиш учун нисбатан паст сув ва ҳаво тезликлари керак;

иккинчидан, «қаттиқ жисм-қаттиқ жисм» турли жинсли аралашма бутунлай, яъни 100% ли ажралиш ҳосил бўлади;

учинчидан, бир вақтнинг ўзида қум, лой ва шу каби майда заррачаларнинг чўктириш жараёни ўтади;


тўртинчидан, турли жисмли аралашмани ажратиш билан биргаликда тозаланган мевани ювиш жараёни ҳам ўтади;

бешинчидан, мавҳум қайнаш қатламда учиб чиқиш ҳолати кўпинча салбий ва ноўрин ҳолатни келтиради, аммо ушбу вазиятда «қаттиқ жисм-

қаттиқ жисм» турли жинсли аралашмани ажратиш учун ижобий таъсир кўрсатиш билан биргаликда компонентларни 100% ажралишига эришилди.

Диссертацияда қаттиқ турли жинсли аралашмани уч фазали мавҳум қайнаш катламда ажратиш учун яратилган усулнинг «қаттиқ жисм-қаттиқ жисм» аралашмасини самарали ва тўлиқ ажратиш учун физик модели (5-расм) келтирилган ва у қуйидагилардан иборат:

- а) қайта ишлаш объектини юклаш;
- б) Г:Ж нисбатини ва учиб чиқиш оптимал режимини ўрнатиш;
- в) илдиз ва туганак мева юзасидан пўст бўлакчаларини ажратиш;
- г) ювилган тоза мевни тўкиш.




4-расм “Мева-пўст” аралашмасини ажратиш учун УФМҚҚ чегараси

Юкланган хом-ашё тақсимловчи панжарага тушиб тезлик ва босим градиентлари мавжудлигига кўра осцилланган газ-суюқлик оқим ҳаракатига учрайди. Ўзгарувчан тебранувчи тезлик билан турли ҳил тешиқлардан оқаётган газ суюқлик оқим қия жойлашаган панжара юзасидан мева ва унга ёпишган пўст бўлакчалари албатта перпендикуляр тарзда тушиши аниқ. Битта ёпишган пўст бўлакчасига бирданига бир нечта (3-5) секциядан осцилланган ясси оқимча ҳаракати таъсир қилади. Ҳаракат томондаги босим P_1 тесқари томондаги босимга P_2 нисбатан катта. Албатта, $P_1 > P_2$ бўлганида босим градиенти меванинг ички томонидан ташқарига қаралган бўлади. Бундан ташқари, оқимчаларнинг бирлашиши шу билан биргаликда ажратиш юзасини тез оширишга ва жараёнини тезлаштиришга олиб келади. Ажралган пўст бўлакчалари оқим билан бирга сув юзасига кўтарилади. Сув юзасидан эса енгил компонентни суюқлик оқими билан ювиб

обчиқиб кетилади. Ўтказилган назарий ва экспериментал изланишлар ҳамда уларнинг таҳлилига кўра «қаттиқ жисм-қаттиқ жисм» турли жинсли аралашмани компонентларга уч фазали мавҳум қайнаш қатламда самарали ажратиш учун оптимал режим параметрлар аниқланди:


сувнинг ортиқча босими	- $P_{изб.} = 0,11-0,13$ МПа;
газ ва суюқлик нисбати	- $\Gamma:Ж = 0,25:1,0$;
ҳавонинг ортиқча босими	- $P_{возд.} = 0,11-0,13$ МПа;
панжара тешикларининг кўндаланг кесими	- $f_{реш.} = 0,5-0,7$;
жараён давомийлиги	- $\tau = 6-10$ с.



5-расм. «Қаттиқ жисм-қаттиқ жисм» аралашмасини ажратиш моделининг схемаси

Диссертациянинг «Иш натижаларининг амалий кўлланилиши» деб номланган тўртинчи бобида уч фазали мавҳум қайнаш қатламда «мева-пўст» аралашмасини самарали ажратишда газ ва суюқлик нисбати таъсирини ўрганиш учун изланишлар олиб борилди. 6-расмда «мева-пўст» аралашмасини ажратиш даражаси $R=f(Re)$ функционал кўринишда секцияли панжара тешикларининг кўндаланг кесими $\phi=0,5$ га ва $\Gamma:Ж=0,25:1$ нисбати учун келтирилган. Графикдан кўришиб турибтики газ-суюқлик оқимнинг тезлиги $Re=3000$ дан $Re=9000$ гача ошганда ажратиш самарадорлиги 3,3 баробар ошади, максимал ўлчамга эга бўлган пўст бўлакчалари учун эса тўлиқ ажралиш эса оқим тезлиги $Re=12000$ да вужудга келади. УФМКҚ «мева-пўст» аралашмасини ажратишда олинган экспериментал натижалар бўйича умумлаштирган ҳолда ҳисоблаш боғлиқлик олинган:


$$R = 0,155 \cdot Re^{0,7} \quad (4)$$



- - $d_3=1,98$ мм; ▲ - $d_3=2,85$ мм; ■ - $d_3=4,98$ мм;
- ◆ - $d_3=6,15$ мм; * - $d_3=7,75$ мм.

6-расм. Г:Ж=0,25:1 ва $\phi=0,5$ ҳолатида оқим тезлигининг Re УФМҚҚ мевадан ёпишган пўстни ажратиш даражасига R таъсири

Рейнолдс сони $Re=2000-12000$ ва бўлакчалар диаметри $d_3=1,98-7,75$ мм режим параметрлар чегарасида (4) формула хатолиги $\pm 16\%$ дан ошмайди. Уч фазали мавҳум қайнаш қатлам қурилмасини (6-расм) ҳисоблаш учун технологик, гидравлик, механик ва конструктив ҳисоблардан иборат муҳандислик методикаси келтирилган. Уч фазали мавҳум қайнаш қатлам ишловчи саноат қурилмалар учун



1-корпус; 2-тақсимловчи панжара; 3-конуссимон қопқоқ; 4-эллиптик қопқоқ; 5-ювгич; 6-сувни узатиш учун штуцер; 7-енгил компонентни тушуриш учун штуцер; 8- сув учун штуцер; 9- аралашмани юклаш учун штуцер; 10- оғир компонент учун штуцер; 11- ҳаво учун штуцер; 12- барботер.

6-расм. Уч фазали мавҳум қайнаш қатламли қурилма

муҳандислик методикасини яратишда пўст бўлакчаларининг мавҳум қайнашнинг бошланиш ва учиб кетиш тезлилари, майда заррачаларни чўктириш, ҳамда мавҳум қатламда ишлайдиган стандарт узел ва қурилма деталларининг маълум бўлган ҳисоблаш тенгламалари асос бўлди.

«Мева-пўст» аралашмасини ажратиш учун УФМҚҚ узлуксиз жараёларини амалга ошириш учун «Ўзбеккимёмаш заводи» АЖда унумдорлиги 16 т/суткасига қурилманинг саноат намунаси ишлаб чиқилган. Ушбу қурилма ихчам бўлиб, технологик назардан катта капитал харажатларни талаб этмайди.

Хулоса

1. Қаттиқ жисмлардан ҳосил бўлган аралашмани уч фазали мавҳум қайнаш қатламда ажратиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар критик тезликка, яъни мавҳум қайнашнинг бошланиш ва учиб кетиш тезликларига пўст бўлакчаларнинг геометрик ўлчамлари ва шакли, ҳамда Г:Ж нисбати таъсир этиши кўрсатилган.

2. Нотўғри шаклга эга бўлган жисмларнинг уч фазали мавҳум қайнаш қатламда мавҳум қайнашнинг бошланиш $w_{нс}$ ва учиб кетиш $w_{ун}$ тезликлари бўйича олинган экспериментал маълумотлар умумлаштирилди ва ҳисоблаш учун юқори аниқликка эга критериялар формулалар тавсия этилган.

3. Тўғри олти бурчак марказида эллипссимон катта кўндаланг кесимли тешик, чўққилари бўйича – кичик эллипссимон тешиклар жойлашган секциялардандан иборат тақсимловчи панжара конструкцияси ясси оқимчали осцилланган ҳаракатни таъминлаган, ҳамда «қуруқ» панжара гидравлик қаршилигини ҳисоблаш учун келтирилган формула ҳатолиги $\pm 7,7\%$ ошмаслиги аниқланган.

4. «Қаттиқ жисм-қаттиқ жисм» аралашмасини уч фазали мавҳум қайнаш қатламда ажратиш ва ювиш жараёнларини умумлаштирганда 2,3 мартагача сувнинг ва шу боис энергия 60% гача тежалишини, учинчи фаза – ҳаво қўшилганда эса эрлифт эффекти ҳосил бўлиб умумий энергия сарфи 20-25% тежалиш имконини бериш кўрсатилган.

5. Уч фазали мавҳум қайнаш қатлам қурилмасини ҳисоблаш учун муҳандислик услуги тавсия этилган.

6. «Мева-пўст» аралашмасини уч фазали мавҳум қайнаш қатламда ажратиш самарадор технологик жараён ва қурилма тавсия этилган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.27.06.2017.Т.04.01
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ
ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

АБДУРАХИМОВА АЗИЗА УРАЗАЛИЕВНА

**РАЗРАБОТКА ЭФФЕКТИВНОГО АППАРАТА ДЛЯ
РАЗДЕЛЕНИЯ СМЕСИ ТВЕРДОЕ ТЕЛО-ТВЕРДОЕ ТЕЛО В
ТРЕХФАЗНОМ ПСЕВДООЖИЖЕННОМ СЛОЕ**

**02.00.16 – Процессы и аппараты химической технологии
и пищевых производств**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.PhD/T256.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www. tkti.uz](http://www.tkti.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель: **Нурмухамедов Хабибулла Сагдуллаевич**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Баракаев Нусрат Раджабович**
доктор технических наук, доцент

Рахмонов Тоир Зоирович
доктор технических наук

Ведущая организация: **АО «Завод Узбекхиммаш»**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 г. в ___ часов на заседании Разового Научного совета на основе Научного совета DSc.27.06.2017.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21; факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № ___, с которой можно ознакомиться в ИРЦ. (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(протокол рассылки № ___ от _____ 2018 года).

С.М.Туробжонов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

А.С. Ибодуллаев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

К.О. Додаев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Производство овощей в мировом масштабе по сравнению с прошлым десятилетием увеличилось в два раза и составляет 1150 млн. тонн, большую долю которых занимают корне- и клубнеплоды. Лидерами этой сферы являются Китай (580,7 млн. т), Индия (121,0 млн. т), США (34,7 млн. т), Турция (28,3 млн. т), Иран (23,7 млн. т), Египет (19,6 млн. т)¹. Данная тенденция способствует направленности научных исследований на улучшение качества перерабатываемых продуктов до уровня, соответствующего с нормами потребления, проводимые научно-исследовательские работы, направлены на совершенствование существующих технологий по переработке овощей и фруктов с разработкой новых эффективных процессов и аппаратов.

На сегодняшний день во всем мире актуальной задачей является современные методы и способы по переработке корне- и клубнеплодов с целью получения пищевых порошков, эффективного и рационального использования местного сырья с минимальными его потерями, интенсификации процессов и аппаратов по очистке и мойке с минимальными расходами энергии на прокачку теплоносителей. Поэтому проведение научно-исследовательских работ по проведению нескольких процессов в одной установке с минимальными расходами энергоресурсов, создание нетрадиционных высокоэффективных мобильных технологий по переработке сырьевых ресурсов, обеспечение конкурентоспособности продукции, снижению ее стоимости и расхода сырья является актуальной проблемой.

В нашей республике основное внимание уделено масштабным научным исследованиям, направленные на создание высокого уровня научных работ по развитию отрасли пищевой индустрии, в частности создание новых компактных мобильных технологий, включающих эффективные процессы и аппараты для полной переработки отечественных сырьевых ресурсов с минимальными потерями сырья и ценных компонентов для получения пищевого полуфабриката. Вместе с тем, необходимо дальнейшее углубление научных исследований по эффективному использованию местного сырья для получения качественной продукции. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан предусмотрены задачи: «Подъем промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, к дальнейшей интенсификации производства готовой продукции на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, освоение выпуска новых видов продукции и технологии»². В связи с этим имеют важное значение научные исследования по созданию новых высокоэффективных, энерго- и ресурсосберегающих процессов и аппаратов в технологии полной переработки корне- и клубнеплодов с получением полуфабрикатов высокого качества.

¹ <http://xn--80aplem.xn--p1ai/en/analytics/Mirovoj-rynok-ovosej-i-bahcevyh-kultur/>.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях и указах Президента Республики Узбекистан № ПП–2520 от 12 апреля 2016 года «О мерах по совершенствованию системы закупок и использования плодоовощной продукции, картофеля и бахчевых культур», ПКМ республики Узбекистан №251 от 29 августа 2015 г. «Об утверждении концепции и комплекса мер по обеспечению здорового питания населения республики Узбекистан на 2015-2020 годы», № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и № УП-4707 от 4 марта 2015 года «О программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 годы», а также в других нормативных документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Научные исследования по решению проблем физического и математического моделирования аппаратов с трех- и двухфазными системами занимались В.Г. Айнштейн, Н.И. Гельперин, А.А. Заминян, М.К. Захаров, В.Б. Кваша, И.П. Мухленов, О.С. Балабеков, А.С. Тимонин, В.М. Рамм, С.П. Рудобашта, И.П. Левш, Х.С. Нурмухамедов, С.К. Нигмаджонов, А.А. Артиков, И.И. Юнусов и др.

